

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Қх.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАРГАНОВ КАМОЛАДДИН ОМОНБОЕВИЧ

**КЛЕЙСТОГАМЛИК ҲАМДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИНГ МАЖМУАСИГА ЭГА БЎЛГАН ҒЎЗА
НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори (DSc)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc) on
agricultural sciences**

Хударганов Камоладдин Омонбоевич Клейстогамлик ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг мажмуасига эга бўлган ғўза навлари селекцияси.....	3
Хударганов Камоладдин Омонбоевич Селекция сортов хлопчатника обладающих клейстогамностью и комплексом хозяйственно-ценных признаков.....	29
Xudarganov Kamoladdin Omonboyevich Breeding of cotton varieties with complex of cleystogame flower type and agronomic valuable traits.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАРГАНОВ КАМОЛАДДИН ОМОНБОЕВИЧ

**КЛЕЙСТОГАМЛИК ҲАМДА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК
БЕЛГИЛАРИНИНГ МАЖМУАСИГА ЭГА БЎЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ
СЕЛЕКЦИЯСИ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.DSc/Qx81 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиди бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Аxbорот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Намазов Шадман Эргашевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Раҳмонкулов Саид-Ақбар,
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абзалов Миратхам Фузланович,
биология фанлари доктори, профессор

Мамарахматов Бунёд Икромович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етақчи ташқилот:

М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 - рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 29 декабр соат 13³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин (536581 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Аxbорот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил 15 декабр куни тарқатилди.
(2018 йил 11 декабрдаги 36.1 -рақамли реестр байномаси)



[Signature]
Б.А. Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

[Signature]
Я.Х. Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

[Signature]
М.М. Адъялов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида экологик мувозанатнинг глобал равишда ўзгариши муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган пахтачилик соҳасига ҳам салбий таъсир этиб келмоқда. Шунинг учун, пахта етиштирувчи давлатларда турли стресс омилларига табиий бардошли, ҳосилдор ва тола сифати юқори бўлган янги ғўза навларини яратишга асосий эътибор қаратилмоқда. Маълумки, ғўза 80 дан ошиқ давлатларда етиштирилади. Ғўза етиштирадиган асосий давлатлар АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Ўзбекистон, Туркия, Бразилия, Греция, Аргентина ва Миср ҳисобланиб, ушбу давлатларда дунё микёсидаги пахтанинг 85 % етиштирилади¹.

Дунё пахтачилигида ғўзанинг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. ёввойи ва ярим ёввойи турларнинг потенциали, шунингдек, географик жиҳатдан келиб чиқиши бир-биридан узок бўлган шакл ва навларни ҳамда турлараро дурагайлаш услубидан кенг фойдаланиш орқали ижобий генлар мажмуасига эга бўлган янги донорлар ва манбаълар яратилмоқда. Бугунги кунда хорижий давлатларда амалга оширилаётган илмий-тадқиқотларнинг таҳлили натижасида диссертациямиз мавзуси, яъни клейстогам гул бўйича қилинган илмий тадқиқотлар ишлари учрамади. Хорижда асосан, ҳар хил ғўза турларининг селекцион аҳамиятини ўрганиш ҳамда улардан касалликларга бардошли ва қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган янги навларни яратиш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилаётганини кўрсатди.

Республикамызда сўнгги йилларда яратилган ғўза навлар тозалигининг паст бўлишига нафақат механик, балки биологик ифлосланиш ҳам таъсир кўрсатади. Натижада, кўпчилик яратилган янги навларнинг нав тозалиги талаб даражасида бўлмагани боис ишлаб чиқаришга тадбиқ этишда қийинчиликлар юзага келмоқда. Ғўза уруғчилигидаги ушбу салбий ҳолатни бартараф этишда клейстогам гул шаклига эга ўсимликлар, яъни табиий ҳолда биологик софлик даражасининг юқори бўлишига олиб келувчи гул шаклидан фойдаланиш яхши самара беради. Ғўза селекциясида умумий маҳсулдорликнинг пасайиб кетмаслиги учун турли стресс омилларга, касалликларга ва зараркундаларга генетик жиҳатдан чидамли бўлган бошланғич ашёлар олиш ҳамда ёввойи шакллардан фойдаланиш орқали дурагайларда генетик ўзгарувчанликни ошириш зарур.

Айниқса, *G.barbadense* L. ва *G.hirsutum* L. турларига мансуб ғўза дурагайларида клейстогам гул ва қимматли хўжалик белгилари орасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрганиш асосида ғўзанинг янги нав, тизма ва бошланғич ашёларини яратиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, клейстогам гул шаклига эга бўлган манбаълар иштирокида яратилган дурагайларда қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ҳамда клейстогам гул шакли билан айрим қимматли хўжалик белгилари орасидаги боғлиқликларни қиёсий ўрганиш асосида ғўзанинг ноёб шакллари, оилалари, тизмалари ва навларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ www.cicr.org

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 февралдаги ПҚ-2484-сон «Ўза навларини жойлаштириш ва пахта ҳосили етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «...юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер иқлим ва экологик шароитларга мослашган кишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифаси белгиланиб, кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Кишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Бугунги кунда ғўзанинг ҳар хил турларини тадқиқотларга жалб қилиш ва уларнинг селекцион аҳамиятини ўрганиш асосида қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган ҳамда турли биотик ва абиотик омилларга бардошли навларни яратиш йўналишларида чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда: ингичка толали ғўза навларини яратишда Central Institute for Cotton Research (Nagpur), Louisiana Agricultural Experimental Station, Louisiana State University Agricultural Center, USDA/ARS, Southern Plains Agricultural Research Center, муассасаларида *Gossypium stocksii* шаклининг касалликларга бардошли генларини *G. hirsutum* навларига ўтказиш, National Key Laboratory of Crop Genetics and Germplasm Enhancement, Cotton Research Institute, Nanjing Agricultural University, Nanjing, China, Central Cotton Research Station (Multan, Pakistan), Cotton Research Institute (Faisalabad, Pakistan) сув танқислигига, юқори ҳароратга чидамли навлар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда ғўза селекциясида генетик жиҳатдан юқори наводорликка эга бўлган навларни яратиш, хўжалик учун қимматли белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва ўзаро боғлиқлигини ўрганиш борасида пахта етиштирувчи етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Texas A&M University, USDA, Delta and Land Company, Monsanto (АҚШ), University of Agricultural Sciences (Ҳиндистон), Xinjian Academy of Agricultural Sciences, China Agricultural University (Хитой), Central Cotton Research Institute (Покистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия) да кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза селекцияси жараёнига янги донорларни жалб этиш орқали *G. barbadense* L. ва *G. hirsutum* L. турларига мансуб ҳосилдор, тезпишар, тола чикими юқори, тола сифати

жаҳон андозаларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш борасида кенг қамровли изланишлар олиб борилган.

R.Allard, P.Hanshe, W.H.Balls, N.G.Athin, K.B.Me Rae, M.G.Beil, E.R.Atkins, W.Nazeer, S.Ahmad, K.Mahmood, A.L.Tipu, A.Mahmood, Zahid Iqbal Anjum, Tariq Mahmood, Umbreen Shahzad, Farzana Ashraf & Muhammad Afzal, В.А.Автономов, Ф.Сагдуллаев, Н.Г.Симонгулян, Р.Г.Ким, А.Б.Амантурдиев, П.Ш.Ибрагимов, М.И.Иксанов, С.А.Усмонов, Вик. А.Автономов, Л.Идиятулина, Э.Қўчқоров, Т.И.Мухиддинов каби олимлар томонидан асосий морфоҳўжалик белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ҳамда белгиларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, ғўза навларини яратишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб борилган.

Олиб борган илмий изланишларида ўсимликда клейстогам гул шаклининг 95-98 % бўлиши биологик тоза генофонд, шакллар, тизмалар ва навлар селекциясида тугамас манба ҳисобланиши ҳамда муҳим морфобиологик ва қимматли хўжалик белгилар билан боғлиқ бўлишни таъкидлашган. Баъзи муаллифлар ғўзанинг ўзидан чангланиши мажбурий депрессияга олиб келади, бошқалари эса қарама-қарши томонда туришади. Шунингдек, баъзи изланишларда ўзидан чангланиш самарасини кўрсатилиб, ўзидан чангланишни четдан чангланадиган ўсимликлар селекциясида кенг қўллашни таклиф этган.

Бирок, аксарият тадқиқотларда асосий эътибор ғўза ўсимликларининг асосий қимматли хўжалик белгиларига қаратилиб, *Gbarbadense* L. ва *Ghirsutum* L. турлари дурагайларида клейстогам гул шаклининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда қимматли хўжалик белгилари билан коррелятив боғлиқлиги нафақат республика миқёсда, балки хорижий давлатларида ҳам ушбу муаммо ҳали етарлича ўрганилмаганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-074 «Селекция жараёнларини тезлаштириш технологияси (Фитотрон) SSD услуби ва янги гермплазма асосида йирик кўсақли, юқори тола чикимига эга бўлган ингичка толали ғўза дурагай донорларини яратиш» (2006-2008 йй.); КХА-8-002 «Ўзанинг ингичка толали *Gbarbadense* L. турига мансуб, биотик ва абиотик омилларга бардошли тезпишар, юқори тола чикимига эга, серҳосил, тола сифати I-типларга хос истикболли тизмаларни яратиш ва уларни Давлат нав синаш комиссиясига топшириш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари ҳамда Тошкент давлат аграр университети «Қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги» кафедрасининг «Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги» (2016-2018 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг *Gbarbadense* L., *Ghirsutum* L. тетраплоид турлари ва *Gstocksii* Mast. тури иштирокида олинган амфидиплоиди ҳамда клейстогам шаклдаги гулга эга бўлган намуналарни чагиштириш орқали яратилган дурагай комбинацияларда қимматли хўжалик белгилари ва клейстогам

гул шаклининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида селекцион ашёлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўзанинг *Gbarbadense* L., *Ghirsutum* L., *Gstocksii* Mast. турлари иштирокида яратилган оддий, реципрок, беккросс ва турлараро усулларда чагиштириш орқали яратилган дурагайларда клейстогам гул шакли ва қимматли хўжалик белгиларнинг ўзгарувчанлиги ҳамда ирсийланишини аниқлаш;

турли чагиштириш услублари орқали яратилган дурагайларда битта кўсақдаги умумий ва пуч чигитлар миқдорининг клейстогам ва хазмогам гуллар шакли билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

дурагай ўсимликларда асосий қимматли хўжалик белгилари билан клейстогам гул шакллари орасидаги корреляциясини аниқлаш;

клейстогам гулли, йирик кўсақли, тола чиқими ва сифати юқори бўлган ғўза оилалари ва тизмаларидан белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган бошланғич манбаларни яратиш имкониятларини баҳолаш;

турли дурагайлаш услублари орқали ингичка толали ғўзанинг клейстогам гулли, тола сифати ва чиқими юқори бўлган генетик жиҳатдан бойитилган қимматли селекцион ашёларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти ғўзанинг *Gbarbadense* L. ва *Ghirsutum* L. турлари ва *G stocksii* Mast. тури иштирокида олинган амфидиплоидларига мансуб намуналар ҳамда оддий, реципрок, беккросс ва турлараро чагиштириш усуллари орқали яратилган клейстогам гул шаклига эга бўлган ғўза дурагайлар, оилалар ва тизмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети оддий, реципрок, мураккаб тур ичи ва беккросс дурагайлаш услублари орқали яратилган ғўза дурагайларида клейстогам гул типи ҳамда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва ушбу белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни ўрганиш асосида клейстогам гул ҳамда қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган генетик жиҳатдан бойитилган бошланғич ашёлар, оилалар, тизмалар ва навларни яратиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланишлар ЎзПТИ да қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007 й.) бўйича олиб борилди. Барча тадқиқот натижалари, рақамли кўрсаткичларнинг вариацион-статистик ва корреляция таҳлиллари Б.А.Доспехов услуби бўйича ишловдан ўтказилди. Доминантлик даражаси М.Г.Бейл, Е.Р.Аткинс ишларида келтирилган S.Wright формуласи, ирсийланиш даражаси R.W.Allard ишларида келтирилган формула бўйича таҳлил қилинди. Толанинг сифат кўрсаткичлари OzDSt 604-2001 андозасига асосан, замонавий HVI дастгоҳида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *Gbarbadense* L., *Ghirsutum* L. ва *Gstocksii* Mast. турлари иштирокида яратилган ғўза дурагайларда клейстогам гул шакли ва айрим қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда шаклланиши аниқланган;

клеистогам гуллар сонининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини ўрганиш асосида юқори бўғин дурагайларида белгининг клейстогам гулга эга тизмаларнинг кўрсаткичлари яқин тарзда шаклланиши аниқланган;

G. barbadense L. турига мансуб F₁-F₃ дурагайларида клейстогам гуллар микдорининг ўсимликдаги кўсақлар сонига салбий таъсир этмаслиги аниқланган;

G. barbadense L. турига мансуб F₂ ўсимликларида клейстогам ва хазмогам гуллар нисбати, шохланиш типи ҳамда битта кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, тола узунлиги каби белгилари орасида ўзаро боғланишлар йўқлиги аниқланган;

G. barbadense L. ва *G. hirsutum* L. турлари иштирокида олинган дурагайларида беккросс частиштиришлар сонининг ошиши хўжалик учун қимматли белгиларнинг яхшиланиши билан бир қаторда клейстогам гуллар сонининг камайишига олиб келиши аниқланган;

ингичка толали гўзанинг клейстогам гул шакли ва қимматли хўжалик белгиларининг ижобий мажмуасига эга селекцион ашёларини яратишда ТМ-11 ва ТМ-13 тизмаларининг генетик имконияти юқори эканлиги аниқланган;

изланишлар натижасида яратилган клейстогам гулли, кўсаги йирик, тола чиқими ва сифатининг ижобий мажмуасига эга янги ингичка толали гўза оилалари ҳамда тизмаларидан амалий селекция жараёнида қимматли бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гўзанинг ингичка толали шохланиши чекланган типли ва клейстогам гуллар сони 94,4-97,1 %, битта кўсақдаги пахта вазни 3,3-3,5 г; 1000 дона чигит вазни 112,5-119,9 г; тола чиқими 40,2-42,1 % бўлган Т-741, Т-750, Т-758, Т-806, Т-799 тизмалари; клейстогам гуллар сони 50,5-66,2 %, ўсув даври 113-119 кун, битта кўсақдаги пахта вазни 4,0-5,0 г ва 1000 дона чигит вазни 117-140 г; тола чиқими 36,8-40,0 % ҳамда тола узунлиги 39,4-43,2 мм бўлган К-8, К-9, К-10, К-11, К-12, К-13, К-14 оилалари; чекланмаган шохланишга эга ва клейстогам гуллар сони 71,7-93,7 %, битта кўсақдаги пахта вазни 3,4-4,0 г; 1000 дона чигит вазни 117,5-143,5 г; тола чиқими эса 40,4-43,6 % бўлган К-1, К-2, К-3, К-4, К-5, К-6, К-7 оилалари яратилган ҳамда амалий селекция жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланишга тавсия этилган;

ўтказилган тадқиқотлар натижасида гўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб тезпишар, тола сифати I^a - тип бўлган, 98-100 % клейстогам гуллар ва юқори тола чиқими (39,2-39,4 %) эга СП-7701 ҳамда 93-96 % клейстогам гул шаклли ва тола чиқими 35,0-37,4 % бўлган С-7721 ингичка толали гўза навлари яратилган ҳамда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олиб борилган кўп йиллик дала тажрибаларининг услубий жиҳатидан тўғри ўтказилганлиги ва ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистик таҳлиллардан ўтказилгани ва олинган назарий натижаларининг тажриба маълумотлари билан мос келиши, олинган натижалар хулосаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан

таққосланганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти клейстогам ва хазмогам гулларга эга ғўза тизмалари ҳамда навларини ўзаро чагиштириш асосида яратилган F₁ дурагайларида асосий қимматли хўжалик белгилар (тола чиқимидан ташқари)нинг юқори даражада ижобий ёки салбий оралиқ ҳамда гетерозис тарзида ирсийланиши, F₂ авлоддан бошлаб кенг ўзгарувчанлик юз бериши, F₃ авлодда F₂ дурагайларида нисбатан гомеостатик кўрсаткичларнинг яшиланиши, F₇ авлодда клейстогам гуллар микдорининг ўргача кўрсаткичи клейстогам гулли тизмалар даражасида ёки юқори бўлиши ҳамда тизмаларда энг юқори гомеостатик кўрсаткичлар намоён бўлиши аниқланганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, чекланган шоҳланишга эга тизма ўсимликларининг 90-100 % клейстогам гулли, чекланмаган шоҳланишга эга тизмаларда эса клейстогам шаклдаги гуллар деярли пайдо бўлмаслиги илмий жиҳатдан асослаб берилганлиги ҳамда клейстогам гул шаклига эга бўлган тизмалардан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш орқали ҳосил шоҳлари сони ва шоҳланиш типини билан клейстогам ҳамда хазмогам гулларнинг тақсимланиши орасида боғлиқлик борлиги (бош пояннинг юқори қисмидаги ҳосил шоҳларида клейстогам гуллар сонининг кўпайиб бориши), бироқ битта ўсимликдаги кўсақлар сонининг клейстогам гуллар сони билан боғлиқ эмаслиги илмий асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотлар асосида яратилган, қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган ингичка толали ғўзанинг янги К-4, К-5, К-6, К-7, К-8, К-10, К-11, К-12 оилалари, ТМ-11 ва ТМ-13 тизмалари, ҳамда 94,4-100 % клейстогам гулга ва 37,8-42,7 % тола чиқимига эга Т-741, Т-799, Т-806 тизмалари ҳамда СП-7701, С-7721 навлари яратилганлиги, шунингдек, ингичка толали ғўза навлари борасидаги амалий селекция жараёни учун бошланғич ашё сифатида тавсия қилиниши изланишларнинг юқори амалий аҳамиятидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Клейстогамлик ҳамда қимматли хўжалик белгиларининг мажмуасига эга ғўза навлари селекцияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

G. barbadense L. турига мансуб чекланган шоҳланишга эга, клейстогам гуллар сони 98-100 фоиз, тола сифати I^a- типга мансуб, тола чиқими 39,2-39,4 фоиз бўлган «СП-7701» нави яратилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 24.01.2018 й., № 07/20-90-сон маълумотномаси). Ушбу ингичка толали ғўза навини жанубий минтақалар шароитида пахтачилик фермер хўжаликларида экиш учун зарур микдордаги уруғликлари кўпайтирилган;

ингичка толали ғўзанинг чекланган шоҳланишга эга, клейстогам гуллар сони 93-96 фоиз ва тола чиқими 35,0-37,4 фоиз бўлган «С-7721» нави яратилган ҳамда Давлат нав синаш комиссиясига топширилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 24.01.2018 й., № 07/20-90-сон маълумотномаси). Ушбу ингичка толали ғўза навини республиканинг жанубий вилоятларидаги экин майдонларини кенгайтириш мақсадида юқори наводорликка эга оригинал уруғликлари тайёрланган;

ингичка толали ғўзанинг клейстогам гуллар микдори юқори бўлган «СП-7701» навига селекция ютуғига патенти (№ NAP 00187, 13.02.2018 й.) олинган. Мазкур ғўза навидан фойдаланиш натижасида навларнинг биологик софлик даражасини сақлаб қолиш имкониятини яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 33 та, жумладан 10 та халқаро ва 23 таси республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 51 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 1 та монография чоп этилган ва 1 та ғўза навига патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олгита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ғўза селекциясида клейстогам гулларнинг намён бўлиши, қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлили» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хориж олимларининг ғўза селекциясида кенг ўзгарувчанликка эришиш ва ҳар хил генотипларга хос бўлган ижобий белги ҳамда хусусиятларини янги генотипларда жамлаш бўйича олиб борилган изланишлари натижалари таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «Тажрибалар ўтказилган жой ва шароити, тадқиқот манбаи ва услублари» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг, тупроқ-иклим шароити, тадқиқотнинг манбаи, тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибаларда олиб борилган кузатувлар ва ҳисоблашлар баён этилган.

Диссертациянинг «Ғўзанинг *Gbarbadense* L. турига мансуб ҳар хил шохланиш типига эга бўлган нав, тизма ва дурагайларда қимматли хўжалик, морфобиологик ва клейстогамлик кўрсаткичларининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида бошланғич тизмалар ва F₁-F₃ ўсимликларида қимматли хўжалик ва морфобиологик белгилар кўрсаткичларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича натижалар таҳлили келтирилган. Олинган

маълумотларнинг таҳлиллари асосида ингичка толали гўза навлари селекцияси жараёнида клейстогам гул шаклига эга бўлган тизмалардан бошланғич ашё сифатида фойдаланилганда пуч чигитлар сони кўпаймаслиги тасдиқлаган. Тизмаларнинг бир дона пахта чаноғидаги чигитлар сонининг Сурхон-101 ва Сурхон-16 навларига нисбатан камайиши аниқланди.

Ушбу бобнинг «Гўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб F₁-F₇ дурагайларида қимматли хўжалик, морфобиологик ва клейстогам гулларнинг шаклланиши» деб номланган биринчи бўлимида тизмалар, навлар ва F₁ ўсимликларида ўрганилган белгиларнинг кўрсаткичлари орасида катта фарқ қилмаганлиги намоён бўлиши келтирилган. F₁ ўсимликларининг асосий қимматли хўжалик белги кўрсаткичлари (тола чиқимидан ташқари) тизмаларга нисбатан анча юқори бўлиб, доминантлик даражаси салбий ва ижобий оралик, тўлиқ доминантлик ва гетерозис ҳолатда бўлганлиги қайд этилди.

F₁ дурагай комбинацияларида битта кўсақдаги пахта вазни белгисининг доминантлик даражаси ижобий ёки салбийлиги ҳамда ўртача ёки юқорилик қиймати жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қилганлиги кузатиш мумкин. Аксарият дурагай комбинацияларда тола чиқими бўйича оралик доминантлик 1000 дона чигит вазни белгисининг доминантлик даражаси F₁ дурагай комбинацияларининг аксариятида ижобий ёки салбий гетерозис ҳолати кузатиш мумкин. Тола узунлиги, 1000 дона чигит вазни бўйича тизмалар ва F₁ комбинацияларининг кўрсаткичлари навларга нисбатан тенг ёки бирмунча паст бўлганлиги кузатиш мумкин. Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича тизмалар, навлар ва F₁ ўсимликлари орасида катта фарқланиш кузатиш мумкин.

Бир туп ўсимликдаги клейстогам гулларнинг умумий миқдори навларда 41,6-43,8 % ни, тизмаларда 88,2-90,0 % ва F₁ ўсимликларида 31,0-74,6 % ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич Т-750 х Сурхон-101, Сурхон-16 х Т-741 ва Сурхон-16 х Т-750 дурагай комбинацияларида қайд этилди.

Тизма, нав ва F₂ дурагайларида ўсув даври бўйича деярли катта фарқ кузатиш мумкин. Сурхон-16 ва Сурхон-101 навларининг битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичлари тизмаларга нисбатан 0,4 г; F₂ дурагайларига нисбатан 0,2-0,6 г. га юқори бўлганлиги аниқланди. F₂ ўсимликлари билан тизмалар орасида тола чиқими ва узунлиги бўйича фарқланиш йўқлиги, 1000 дона чигит вазни бўйича F₂ дурагайлари тизмаларга нисбатан паст кўрсаткичларига эга эканлиги кузатиш мумкин.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ўрганилган тизмалар, навлар ва F₂ дурагайларида сезиларли фарқ қилганлиги аниқланди. Яъни, ўрганилган тизмаларнинг ўртача кўрсаткичи 20,3-23,3 донага, F₂ дурагайларида эса 17,4-22,3 донага тенг бўлганлиги кузатиш мумкин.

F₂ ўсимликларида клейстогам гуллар миқдори F₁ ўсимликларига нисбатан ортганлиги ва 54,0-88,4 % ни ташкил этгани кузатиш мумкин.

F₂ дурагайларида асосий қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш коэффициентини ўрта ва кучли даражада, морфобиологик кўрсаткичлари яъни, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги ва бош поя баландлиги белгиларининг ирсийланиш коэффициенти ўрта

даражада, бир туп ўсимликдаги ҳосил шоҳлари ва кўсақлар сони бўйича эса кучсиз ва ўрта даражада эканлиги аниқланди.

Ўсув даври бўйича ўрганилган тизмалар, навлар ва F₃ ўсимликлари орасида деярли катта фарқланиш кузатилмади. F₃ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни навларга нисбатан 0,6 г, тизмаларга нисбатан эса 0,4 г. га юқори бўлганлиги кузатилди. Тола чиқими бўйича ўрганилган тизмалар энг юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Тизмаларнинг тола узунлиги 38,5-40,8 мм, навларда 38,8-40,1 мм, F₃ ўсимликларида эса 39,8-40,8 мм. ни ташкил этди.

F₃ ўсимликларида 1000 дона чигит вазни бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхон-101 нави иштирок этган дурагай комбинацияларида кузатилди.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича ўрганилган тизмалар, навлар ва F₃ дурагайлари орасида сезиларли фарқланиш борлиги аниқланди. F₃ ўсимликларида клейстогам гуллар сони F₂ ўсимликларига нисбатан бирмунча кўпроқ шаклланганлиги, яъни, бир туп ўсимликдаги клейстогам гуллар миқдори ўртача 75,4-91,8 % ни ташкил этиб, клейстогам гул шаклига эга бўлган бошланғич тизмаларнинг кўрсаткичларига яқин бўлганлиги кузатилди.

F₃ ўсимликларида асосий қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш коэффиценти F₂ авлодига нисбатан бир мунча паст бўлди. Тола чиқими бўйича ўрганилган тизмалар энг юқори (40,2-42,1 %), F₄ дурагайларида эса ушбу кўрсаткич ўртача 37,7-39,7 % оралиғида бўлиб, андоза навларга нисбатан 1,0-2,3 % га юқори, шунингдек, тизмаларга нисбатан 2,5 фоизгача паст бўлганлиги аниқланди.

Тола узунлиги F₄ дурагайларида ўртача 38,5-40,4 мм. ни, 1000 дона чигит вазининг ўртача кўрсаткичи эса 112-125 г, ота-она шаклларида 116-130 г ва тизмаларда 111 - 120 г. ни ташкил этди.

F₄ дурагайларида клейстогам гуллар миқдори F₃ ўсимликларига нисбатан бирмунча кўпроқ шаклланганлиги кузатилиб, бир туп ўсимликдаги клейстогам гуллар сони F₄ ўсимликларида ўртача 77,4-92,7 % ни ташкил этди.

F₅ дурагай ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вазни 2,8-3,3 г. ни ташкил этиши ҳамда тола чиқими 40,0 % ва ундан юқори бўлган ижобий рекомбинантларнинг пайдо бўлганлиги аниқланди. Тола узунлиги бўйича F₅ дурагайлари ва бошланғич ота-она шакллари ни таққослаб ўрганилганда белгининг F₅ авлодда янада яхшиланганлигини кўрсатди. Ўрганилган дурагай комбинацияларнинг 1000 дона чигит вазни бўйича ўртача кўрсаткичи 96-116 г. ни ташкил этди. Клейстогам гуллар миқдори F₅ дурагайларида ўртача 80,3-92,1 % ни ташкил этди.

F₆ дурагай комбинацияларида битта кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичи ўртача 2,9-3,9 г, тола узунлиги кўрсаткичи ўртача 38,2-40,2 мм, 1000 дона чигит вазни эса ўртача 94,5-119,4 г оралиғида бўлди. F₆ дурагай ўсимликларида клейстогам гулларнинг миқдори 90,6-93,9 % ни ташкил этди.

F₇ ўсимликларида клейстогам гуллар миқдори 82,8-92,4 % оралиғида бўлиб, комбинациялар орасида катта фарқланиш кузатилмади.

Тизмалар ва F_1-F_3 дурагайларида клейстогам гуллар микдорининг ирсийланиши ва гомеостатик кўрсаткичлари ўрганилганда, клейстогам гуллар микдорининг энг юқори гомеостатик кўрсаткичлари тизмаларда намоён бўлиши аниқланди. F_3 дурагайларида F_2 дурагайларига нисбатан клейстогам гуллар микдорининг ўртача кўрсаткичлари ва гомеостатик кўрсаткичлар ошганлиги, бироқ, F_3 дурагайларининг гомеостатик кўрсаткичлар бир мунча яқин бўлганлиги аниқланди.

Чекланган шохланиши типидagi тизма ўсимликларининг 90-100 % гача клейстогам гул шаклига эга бўлганлиги, чекланмаган шохланиш типидagi тизмаларда эса деярли клейстогам шаклидаги гуллар кузатилмаганлиги аниқланди. Чекланмаган шохланиш типидagi тизмалар иштирокида олинган дурагай комбинацияларда битта кўсақдаги пахта вази 3,4-3,9 г, оилаларда 3,0-3,6 г ва тизмада эса 2,9 г га тенг бўлганлиги кузатилди.

Тола чиқими билан 1000 дона чигит вази ўртасида салбий боғланиш мавжудлиги туфайли кўп ҳолларда тола чиқими ошганда 1000 дона чигит вази камайиши тасдиқланди. Кўсақлар сони бўйича Т-88 х Т-856 дурагай комбинациясида ижобий гетерозис ($hp=4,33$), қолган барча дурагай комбинацияларда эса салбий гетерозис ҳолати ($hp=-2,0$; $hp=-35,0$) кузатилди.

Чекланмаган шохланиш типига эга бўлган тизмалар ва F_2 ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази ҳамда тола узунлиги кўрсаткичлари орасида деярли фарқ бўлмади. 1000 дона чигит вази бўйича эса энг юқори кўрсаткич чекланмаган шохланиш типига эга бўлган тизмаларда кузатилди.

Битта кўсақдаги пахта вази F_3 ўсимликларида ўртача 3,6-3,8 г, тола чиқими эса 40,1-41,0 % оралиғида бўлиб, ирсийланиш коэффициентлари оралиқ тарзда юз бериши ($h^2=0,30-0,64$) аниқланди. Тола узунлиги бўйича чекланмаган шохланиш типига эга бўлган тизмалар ва F_3 ўсимликлари орасида деярли фарқланиш кузатилмади. Ота-оналик сифатида иштирок этган Т-865 тизмасининг тола узунлиги чекланмаган шохланиш типига эга бўлган тизмалар ва F_3 ўсимликларига нисбатан бир мунча паст бўлганлиги аниқланди. 1000 дона чигит вази бўйича энг юқори кўрсаткич чекланмаган шохланиш типига эга бўлган тизмаларда кузатилиб, F_3 ўсимликларига нисбатан 4-7 г, Т-856 тизмасига нисбатан эса 15-21 г га юқори бўлганлиги аниқланди.

F_3 ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази, тола чиқими, 1000 дона чигит вази, тола индекси, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги бир туپ ўсимликдаги кўсақлар сони ва бош поя баландлиги бўйича ирсийланиш коэффициентлари ўртача бўлганлиги ушбу белгилар кўп микдордаги генлар таъсирида бошқарилишини кўрсатди.

F_4 дурагай комбинацияларининг битта кўсақдаги пахта вази ўртача 3,3-3,6 г, тола чиқими 42,2-42,5 %, 1000 дона чигит вази 105-114 г, тола узунлиги 37,0-42,2 мм. гача оралиғида бўлганлиги аниқланди.

Барча ўрганилган белгиларнинг шаклланиш жараёни F_5 дурагай комбинацияларида ҳам F_4 дурагай комбинацияларига ўхшаш тарзда юз бериши кузатилди.

Ушбу бобнинг «Ўзанинг клейстогам гулларга эга бўлган ва йирик кўсақли тизмалар иштирокида олинган F₁-F₆ ўсимликларининг қимматли хўжалик ва морфобиологик белгилари бўйича тавсифи» деб номланган иккинчи бўлимида клейстогам гулларга эга бўлган ва йирик кўсақли тизмалар иштирокида олинган F₁ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази 3,8-4,7 г, тола чикими 36,7-41,0 %, 1000 дона чигит вази 125,8-140,3 г оралигида бўлганлиги кузатилди. Тола узунлиги бўйича F₁ дурагай комбинацияларининг барчасида ижобий гетерозис (hр=1,8-7,2) кайд этилиб, ўтрача кўрсаткичлар 40,1-44,3 мм оралигида эканлиги аниқланди.


F₂ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази 3,7- 4,6 г, тола чикими 36,7-41,0 %, 1000 дона чигит вази 125,8-140,3 г, тола узунлиги 39,3-41,3 мм оралигида бўлгани кузатилди.

F₃ ўсимликларида битта кўсақдаги пахта вази 3,8-4,3 г. ни, тола чикими 39,0-40,9 % ни ташкил этди. Тола узунлиги белгиси бўйича ота-она, тизмалар ва F₃ ўсимликлари орасида деярли катта фаркланиш кузатилмади ва ушбу белгининг ўтрача кўрсаткичлари F₃ ўсимликларида 39,1-39,7 мм. ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг «Ўзанинг *Gbarbadense* L. турига мансуб, F₁-F₂ ўсимликларида клейстогам ва хазмогам типдаги гуллар сонининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигини қиёсий тахлил» деб номланган учинчи бўлимида клейстогам ва хазмогам типдаги гулларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини тахлил қилиш асосида хазмогам ва клейстогам гуллар сони бўйича F₁ дурагай комбинациялари орасида деярли фаркланиш кузатилмади. F₁ дурагай комбинацияларида оналик шакл сифатида клейстогам гул шаклига эга бўлган тизмалардан фойдаланилганда хазмогам гулларнинг сони 47,2 % ни, клейстогам гуллар сони эса 52,8 % ни ташкил этди. Бир тул ўсимликдаги клейстогам ва хазмогам гулларнинг тақсимланиши, ҳосил шохларининг жойлашганлигига боғлиқ эканлиги аниқланди. Яъни, ҳосил шохлари ўсимлик поясининг юқори қисмида жойлашганда, клейстогам типга мансуб бўлган гулларнинг сони ҳам ошиб бориши кузатилди. Дурагай бўғинлари ошган сари, битта ўсимликдаги клейстогам гулларнинг фоизи кўпайиши ҳам аниқланди. Ўсимликдаги клейстогам гулларнинг миқдори дурагайлашда иштирок этган нав генотипига боғлиқ эканлиги аниқланди. Ҳосил шохлари сони билан клейстогам ва хазмогам гулларнинг тақсимланиши орасида ҳам боғлиқлик борлиги кузатилди. Клейстогам гул шаклининг ирсийланиши рецессив генлар билан бошқарилиши туфайли, дурагайларнинг юқори бўғинларида яқка танлашнинг самараси ошиб боришини тасдиқлайди. Клейстогам гуллар миқдори 60 % дан юқори бўлган ўсимликлар сони F₁ дурагай комбинацияларида F₂ авлодга нисбатан анча кам бўлиши, F₃ дурагай комбинацияларида битта ўсимликдаги клейстогам гуллар миқдори ўсимликларнинг шохланиш типига боғланмаган ҳолда ирсийланиши аниқланган.

Диссертациянинг «Ўзанинг *Gbarbadense* L. турига мансуб навлар F₁-F₃ дурагайларида клейстогам гуллар ва кўсақлар сонининг ўзаро боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи бўлимида F₁ дурагайларида 8-13 донадан 38-45 донагача кўсақ сони бўлган синфларида битта ўсимликда 81-100 %

клеистогам гул шаклига эга бўлган ўсимликлар борлиги аниқланди. Клейстогам гулларнинг умумий сонини тақсимланиши, чагиштирилган дурагай комбинациялар ва уларнинг авлодига боғлиқ ҳолда 1- 100 % оралиғида бўлганлиги кузатилди. Битта ўсимликдаги қўсақлар сони 8-45 донани ташкил этиб, 6 та синфга тақсимланди. Дурагай бўғинлари ошиши билан битта ўсимликдаги 81-100 % клейстогам гулга эга бўлган синфдаги ўсимликларнинг сони ҳам ошиши аниқланди. Шундай ҳолат F_2 - F_3 дурагай бўғинларида ҳам кузатилди. F_3 тўғри ва реципрок дурагайларида ушбу синфларда битта ўсимликда 81-100 % клейстогам гул шаклига эга бўлган ўсимликлар миқдори ўсимликлар умумий сонининг 40 % дан кўп бўлганлиги кузатилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ғўзанинг *Gbarbadense* L. турига мансуб Сурхон-16 нави ва F_1 - F_3 ўсимликларида клейстогам гуллар билан қўсақлар сонининг ўзаро боғлиқлиги (2008-2010 йн.)

Ғўзанинг *Gbarbadense* L. турига мансуб ҳар хил шохланишга эга бўлган тизмалар иштирокида олинган F_2 - F_3 ўсимликларида клейстогам гуллар миқдори билан қўсақлар сонининг ўзаро боғлиқлиги ўрганилди. F_2 ўсимликларида клейстогам шаклидаги гуллар миқдори бўйича ўзгарувчанлик катори 0 % дан 100 % гача, F_3 ўсимликларида эса клейстогам шаклдаги гулларга эга бўлмаган ўсимликлар учрамади ва клейстогам шаклдаги гулларнинг сони бўйича ўзгарувчанлик катори 1 % дан 100 % гача бўлганлигини кўриш мумкин. F_2 бўғин ўсимликларида клейстогам шаклдаги гулларга эга бўлмаган ўсимликларнинг сони 7,7-50,0 % ни, клейстогам шаклдаги гуллар сони 1-20 % бўлган синфда 22,7-38,5 % ни ташкил этди. Клейстогам типдаги гулларнинг миқдори 81-100 % бўлган синфда ўсимликларнинг миқдори 3,4-10,0 % ни ташкил этди.

F_3 дурагайларида F_2 бўғинга нисбатан клейстогам шаклдаги гулларнинг миқдори 81-100 % бўлган ўсимликлар сони анча юқори бўлиши аниқланди. Юқорида айтиб ўтилган F_3 ўсимликларида клейстогам шаклдаги гулларга эга бўлмаган ўсимликлар учрамади ва клейстогам шаклдаги гуллар 1-10 % ни ташкил этган ўсимликлар 12,5-33,7 %, клейстогам шаклдаги гуллар 21-40 % ни ташкил этган ўсимликлар сони 16,4-29,5 %, клейстогам шаклдаги гуллар 41-60 % ни

ташкил этган ўсимликлар сони 11,1-50,0 %, клейстогам шаклдаги гуллар 61-80 % ни ташкил этган ўсимликлар сони 17,0-37,5 %, клейстогам шаклдаги гуллар 81-100 % ни ташкил этган ўсимликларни сони 17,0-50,0 % гача бўлганлиги кузатилади.

Изланишлар асосида битта ўсимликдаги кўсақлар сони клейстогам гулларнинг сони билан ўзаро боғлиқ эмаслиги аниқланди. Ушбу олинган натижалар асосида клейстогам гул микдорининг ирсийланиши ота-она шаклларига ва уларнинг шохланиш типига боғлиқлиги хулоса қилинди.


Ушбу бобнинг «Ўзанинг *G. barbadense* L., *G. hirsutum* L. ва *G. stocksii* Mast. турлари иштирокида олинган тизмалари билан чақиштириш асосида яратилган дурагайларда клейстогам гуллар сонининг ирсийланиши» деб номланган иккинчи бўлимида клейстогам гуллар микдори Сурхон-16 навида 43,8 фонз, клейстогам гул шаклига эга бўлган тизмаларда эса ушбу кўрсаткич ўртача 88,2-90,0 % оралигида бўлгани аниқланди. Ушбу нав ва клейстогам гул шаклига эга бўлган тизмалар иштирокида яратилган дурагайларда белгининг ўртача кўрсаткичлари 51,8-74,6 % ни ташкил этиб, Сурхон-16 нави она шаклда қатнашган дурагайларда ушбу кўрсаткич 72,7-74,6 % бўлгани ва белгининг тўлиқсиз доминант тарзда ирсийланиши аниқланди. F₂ Т-741 х Сурхон-16, Т-750 х Сурхон-16 дурагай комбинацияларида ирсийланиш коэффициентлари салбий ҳолатда бўлди.

Йирик кўсақли тизмаларда клейстогам гуллар микдори ўртача 0,2-4,8 % ни, она сифатида олинган клейстогам гул шаклига эга тизмаларда эса ўртача 89,6-90,0% ни ташкил этди. Дурагай ўсимликларда клейстогам гуллар микдори 31,0-43,8 % бўлиб, салбий оралик тарздаги ирсийланиши ($h_p = -0,05$; $h_p = -0,38$) кузатилади.

Чекланмаган шохланиш типига эга бўлган Т-84, Т-85, Т-86, Т-87, Т-88 тизмаларда ўсув даври мобайнида клейстогам гуллар қайд этилмади. Дурагай ўсимликларда клейстогам гуллар микдори 28,5-37,6 % ташкил этди ва салбий ирсийланиш ҳолати намоён бўлди.

Клейстогам гуллар микдорининг энг юқори кўрсаткичлари Т-86 ва Т-87 тизмалари иштирокида олинган дурагайларда кузатилади. Т-2231 тизмаси билан олинган дурагайларда реципрок таъсир кузатилади. Гулларининг аксарияти клейстогам шаклига эга бўлган, яъни Т-856 тизмаси она сифатида қатнашган дурагайларда клейстогам гуллари 35,6 % ни, реципрок дурагай комбинациясида эса 30,7 % ни ташкил этди. Ҳар иккала дурагай комбинацияда ҳам ирсийланиш оралик салбий ҳолатда ($h_p = -0,21$ — $h_p = 0,32$) бўлди.


Ўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб клейстогам гул шаклига эга бўлган, Т-856 тизмаси ва ўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб Султон нави иштирокида яратилган турлараро дурагайларда клейстогам гуллар микдори кам бўлиб (3,1-5,6 %), она сифатида Т-856 тизмаси қатнашган дурагай комбинацияларда бир мунча юқори бўлганлиги аниқланди. Дурагайлашда қатнашган ўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб Султон ва СП-7702 навларида клейстогам шаклдаги гуллар қайд этилмади. Ирсийланиш салбий оралик ҳолатда ($h_p = -0,86$; $h_p = -0,92$) бўлганлиги аниқланди.



Ўзанинг *G. stocksii* Mast. тури иштирокида яратилган ТМ-11 ва ТМ-13 тизмаларида клейстогам гуллар миқдори унча кўп бўлмади. Лекин, улар қимматли хўжалик ва морфологик белгилари бўйича ижобий кўрсаткичларга эгалити аниқланди. ТМ-11 тизмасида клейстогам гуллар 37,7 % ни, ТМ-13 тизмада эса 13,2 % бўлгани кузатилди. ТМ-11 тизмаси иштирокида яратилган дурагайларда клейстогам гуллар миқдори 21,9 %, ТМ-13 тизма билан олинган дурагайларда эса 14,1 % бўлгани аниқланди. ТМ-11 тизмаси иштирокида яратилган дурагайда ижобий оралик, ТМ-13 тизма билан олинган дурагайларда эса ижобий гетерозис ҳолатда ирсийланиши намоён бўлди.

Тадқиқотлар асосида клейстогам гуллар миқдорининг ирсийланиши ота-она шакллари ва шохланиш типига боғлиқлиги аниқланди. Гулларининг аксарияти клейстогам шаклда бўлган тизмалар асосида яратилган дурагайларда клейстогам гуллари миқдори паст бўлган ота-она шакллари устунлик қилганлиги кузатилди. Олинган натижалар асосида гулларининг аксарияти клейстогам шаклда бўлган *G.hirsutum* L. турига мансуб навларни яратишда ТМ-11 ва ТМ-13 тизмаларидан фойдаланиш тавсия этилди.

Ушбу бобнинг «Ўзанинг *Gbarbadense* L. турига мансуб чекланган ва чекланмаган шохланиш типига эга бўлган F_2 ўсимликларида қимматли хўжалик белгилари ва гулларнинг хилти орасидаги корреляцияси» деб номланган учинчи бўлимида келтирилган маълумотлардан F_2 дурагай комбинацияларида қимматли хўжалик белгилари орасида ўртача ва кучсиз боғланишлар мавжудлиги аниқланди.




